

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ОҒОҲЛИК

И.Матжанов

Қорақалпоқ давлат университети Ҳуқуқшунослик кафедраси
доценти

Ҳозирги кунда биз кураётган давлат ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ривожланиб бормоқда. Буларнинг барчаси янги қадриятлар ва демократик тамойилларга, адолатли жамият талабларига уйғунлашади. Бу жараёнларнинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, жамиятда, давлатда қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва фуқаро ўртасидаги турли янги муносабатлар шаклланиши, қолаверса, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги, шаъни ва қадр қимматини юқори даражага қўйилиши муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг йигирма йилдан ортиқ мустақил рифоҳланиш йўлида иқтисодиёт, ҳуқуқ ва илм-фан йўлида жуда кўп ва кенг кўламли ишларни амалга оширди. Мазкур ишларнинг пировард натижаси мамлакатимиз сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланган эркин ва обод Ватан, мустақил ва фаровон турмишни таъминлашга қаратилгандир. Ва, ўз навбатида, давлатимизда амалга оширилаётган музкур жараёнларнинг эзгу мақсадларини теранг англаш учун юксак ҳуқуқий маданият зарур.

Инсонда ҳуқуқий маданият қачон ва қаерда шаклланади? Мазкур омил қандай ҳолатларда ва ким томонидан шакллантирилади?

Мазкур саволларга жавоб беришдан олдин, энг аввало, ҳуқуқий маданият тушунчасининг ўзини англаб олишимиз лозим. Тўғри, ҳуқуқий маданият тушунчасини англаб олишимиз учун юридик лўғат ёки энциклопедияга мурожаат этишимиз мумкин. Лекин, тайёр тушунчалардан тўғридан-тўғри фойдаланиш самарали натижа берармикин? Ҳуқуқий маданиятни инсон онгида шакллантириш ва уни ривожлантиришдаги энг биринчи қадам, бу ҳуқуқий маданият тушунчасини инсоннинг ўз қарашлари орқали англай олишидир. Инсон ҳуқуқий маданият деганда ўз онгида нималарни идрок этса, уша қарашларига содиқ қолишига ҳаракат этади, ўз қарашларини ҳимоя қилади ва, бу орқали, мазкур инсонда шахсий фикрлар вужудга келади. Демак, биринчи навбатда, ҳуқуқий маданиятнинг вужудга келишининг энг биринчи белгиларидан бири, бу – инсоннинг шахсий фикрга эга бўлишидир. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар соҳасида давлатимиз сиёсатининг энг эзгу мақсади – ёшларни шахсий фикрга эга қилиб тарбиялаш ҳаракатларининг нақадар муҳим омил эканлигидан дарак беради.

Ҳуқуқий маданият – инсоннинг фикрлаш доирасининг кенгайишидир. Ҳуқуқий маданият мактабда, олий ва ўрта-махсус таълим юртларида ва бошқа да махсус мактаб (гимназия, мактаб-интернатлар) ларда шаклланиши мумкин. Мазкур ўқув юртларнинг ҳаммасида ҳам ўқувчи ва талабаларнинг

ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, улар юртимиз кележагининг эртанги эгаларидир.

Юқорида келтирилган омилларнинг ичида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш ўзига хос жиҳати шундан иборатки, талабанинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга масъул ҳисобланган ўқитувчиларнинг олдида маълум даражада ҳуқуқий маданиятга эга инсон туради. Шунинг учун ҳам олий ўқув юрти ўқитувчилари талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш даврида уларнинг ҳарқандай жараёнга шахсий фикр билдириши, керак бўлса, танқидий қарашларда бўлишини асло эътибордан қочирмаслиги лозим.

Ҳозирги пайтда давлатимиздаги мавжуд олий ўқув юртларида талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз меҳнатларининг талабаларга ўқитилиши, мустақиллик дарслари, ахборот соатлари ва бошқа шулар жумласидан.

Бугун биз янги давлат, янги жамиятда яшаб, фаолият юритаяпмиз. Бунда ижтимоий-иқтисодий, маънавий, сиёсий муносабатлар одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос равишда кундан кунга ривожланиб бормоқда. Буларнинг барчаси янги қадриятлар ва демократик тамойилларга, адолатли жамият талабларига уйғунлашади. Бу жараёнларнинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, жамиятда, давлатда қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва фуқаро ўртасидаги турли янги муносабатлар шаклланиши, қолаверса, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги, шаъни ва қадр қимматини юқори даражага қўйилиши муҳим ўрин эгаллайди. Шу аснода эътироф этиш лозимки, шиддат билан ривожланаётган жамиятда ва, айрим вақтларда, ташқи чэт давлатларда тинчлик учун катта кураш кетаётган ҳозирги даврда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти айниқса муҳимдир. Чунки, ҳуқуқий маданият – бу қонунга ва жамиятга ҳурмат, қонунга ва жамиятга ҳурмат эса, бу – огоҳликдир. Огоҳлик эса, ўз навбатида, тинчликнинг асосий таянчидир. Тинчлик эса энг олий ҳикмат. Тинчлик – муносиб ва бахтли ҳаёт гарови.

Ҳуқуқий маданиятга эга шахс жамиятда лоқайдликга йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Демак, ҳуқуқий маданият жамиятда лоқайд инсонларнинг келиб чиқишининг олдини олади. Бу эса, ўз навбатида жамиятда ҳозирда мавжуд тинчликнинг қадрига етишда, уни асраб-авайлашда ва қадрлашда муҳим омилдир.

Ҳуқуқий маданиятли инсон бир нарсани яхши тушунади ва қабул қилади: «Тинчликни сақлаш ва асраб-авайлаш биргина давлатнинг вазифаси эмас. У менинг ҳам муқаддас бурчимдир. Тинчлик, бу менинг ва

оиламнинг бугуни ва келажаги. Ватанимиз тараққиётининг асосий омили. Ватан тинчлиги учун ҳардоим курашиш керак».

Таъкидлашимиз лозимки, бизнинг давлатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун етарлича ҳуқуқий база шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида қўйидаги фикрларини билдиради: «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди, деб ўйлайман»¹.

Демак, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарашларидан шуни англаса бўладики, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ҳеч қачон тўхтаб қолмаслигимиз лозим. Чунки мустақил ривожланиш ва тараққиёт топиш ҳар биримиздан юксак ҳуқуқий маданиятни талаб қилиш билан биргаликда ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятининг ривожланишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият – пировард мақсади фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш ҳисобланган Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ва иқтисодий юксалишига ижобий таъсир кўрсатувчи омилдир.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги сўзлаган маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябр. №220 (5135).